

## Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Асҳоби суффа билан бирга йиғлашлари



16:08 / 20.11.2018 4126

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Куласизлар-у, йиғламайсизлар!» ояти нозил бўлганида Асҳоби суффа: **"Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун"** (Бақара сураси, 157-оят), дейишди. Кейин йиғлай бошлашди, ҳатто ёноқлари ҳўл бўлди. Уларнинг йиғилганларини эшитгач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам йиғлай бошладилар. *Ва бундай дедилар:*

**"Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган кимса жаҳаннамга кирмайди! Аллоҳ таолога маъсият ва гуноҳ қилишда давомли бўлган кимса эса жаннатга кирмайди! Агар сизлар ҳеч гуноҳ қилмаганингизда Аллоҳ**

таоло, албатта сизларни кетказиб ўрнингизга кечириши ва раҳм қилиши учун гуноҳларига дарҳол тавба қиладиган қавмни келтирар эди. Албатта, Аллоҳ кечирувчи ва ўта раҳмли Зотдир" (Қуртубий тафсири).

***“Пайғамбаримизни йиғлатган ҳодисалар” китобидан***